

ТАЛАБА ЁШЛАРДА ФАОЛ ФУҚАРОЛИК ВА ХАЁТИЙ ПОЗИЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ХУҚУҚИЙ ВА АХЛОҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Икромов Х. О.

Андижон давлат педагогика институти ўқитувчиси

АННОТАТСИЯ

Жамиятимизда кенгўламли ислохотлар амалга оширилаётган бугунги кунда фуқароларнинг жамият тараққиёти, давлат бошқарувини амалга оширишдаги фаол иштирокини таъминлаш, бунинг учун унинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий асосларини яратиш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Талаба-ёшларда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш учун таълим муассасаларида ҳуқуқий таълим ва тарбиянинг ўрни жуда муҳимдир. Шунинг унутмаслик керакки, ҳуқуқий тарбия ҳуқуқий таълимдан ёки фақат ҳуқуқшуносликни ўқитишдангина иборат эмас. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, глобаллашув даври салбий ҳодисалари хавфини камайтириш ва ёшларни маънавий етук шахслар этиб тарбиялаш учун уларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш зарур. Шу жиҳатдан бугунги кунда жамиятда яшаётган ҳар бир инсоннинг тўғри ҳаёт кечириши учун гоят аҳамиятли ҳисобланган қуйидаги ахлоқий категорияларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида ёшларга тушунчалар бериш лозим. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ёшлар вазифаларини онгли равишда бажаришлари давлатнинг ҳуқуқий-демократик ва ахлоқий талабларига мос келади. Аммо буни ҳуқуқий ва ахлоқий маданиятга эришмасдан, яъни қонунларни билмасдан ва уларга изчил риояқилмасдан туриб амалга ошириш мумкин эмас. Талаба ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш ва уларда фаол фуқаролик позициясини

шакллантиришда олий таълим муассасаларидаги маънавий-маърифий ишларни самарали таъкил қилиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Таянч сўз ва тушунчалар: фуқаролик жамияти, фаол фуқаролик позицияси, ҳуқуқий маданият, фуқаролик бурчи, фуқаролик масъулияти, ёшлар, ёшларга оид давлат сиёсати, комил инсон, баркамол авлод.

АННОТАЦИЯ

В нынешнее время в нашем обществе проводятся масштабные реформы, важной задачей является обеспечение активного участия граждан в развитии общества, государственного управления, создание его социально-политической и духовно-просветительской основы. Роль юридического образования и воспитания в образовательных учреждениях очень важна для дальнейшего развития правовой культуры студентов. Важно помнить, что юридическое образование - это не только образование или просто преподавание права. Для развития гражданского общества в Узбекистане, снижения риска негативных последствий глобализации и воспитания молодежи как духовно зрелых личностей необходимо формирование у них активной гражданской позиции. В связи с этим необходимо дать молодым людям понимание значения следующих этических категорий, которые очень важны для правильной жизни каждого человека, живущего в современном обществе. Одним словом, осознанное выполнение молодыми людьми своих обязанностей соответствует законодательно-демократическим и моральным требованиям государства. Но этого нельзя сделать без достижения правовой и моральной культуры, то есть без знания законов и их последовательного следования. Важной задачей является дальнейшее повышение правовой культуры студентов и эффективная организация духовно-воспитательной работы в высших учебных заведениях по формированию у них активной гражданской позиции.

Ключевые слова: гражданское общество, правовая культура молодёжи, модернизация, образование, Национальная программа по подготовке кадров, духовность, интеллектуально развитое поколение.

ABSTRACT

Today, when large-scale reforms are being carried out in our society, it remains an important task to ensure the active participation of citizens in the development of society, public administration, and for this to create its socio-political and spiritual-enlightenment basis. The role of legal education and upbringing in educational institutions is very important for the further development of legal culture among students. It is important to remember that legal education is not just about legal education or just teaching law. In order to develop civil society in Uzbekistan, reduce the risk of the negative effects of globalization and educate young people as spiritually mature individuals, it is necessary to form an active civic position in them. In this regard, it is necessary to give young people an understanding of the meaning of the following ethical categories, which are very important for the proper life of everyone living in today's society. In short, the conscious performance of duties by young people is in line with the legal-democratic and moral requirements of the state. But this cannot be done without achieving a legal and moral culture, that is, without knowing the laws and following them consistently. An important task is to further improve the legal culture of students and the effective organization of spiritual and educational work in higher education institutions in the formation of an active civic position in them.

Key words: *civil society, legal culture of young people, modernization, education, the National program of personnel training, spirituality, intellectually advanced generation.*

Жамиятимизда кенгкўламли ислоҳотлар амалга оширилаётган бугунги кунда фуқароларнинг жамият тараққиёти, давлат бошқарувини амалга оширишдаги фаол иштирокини таъминлаш, бунинг учун унинг ижтимоий-

сиёсий ва маънавий-маърифий асосларини яратиш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Фуқаролик жамиятининг мураккаблиги шундаки, у хўжалик, иқтисодий, оила-уруғчилик, этник, диний ва ҳуқуқий муносабатлар, ахлоқ, шунингдек шахслар ва ҳокимиятнинг бирламчи субъектлари бўлмиш партиялар, манфаат гуруҳлари ва ҳоказолар ўртасидаги давлат томонидан тартибга солинмайдиган сиёсий муносабатларни ўз ичига олади. Давлат тузилмаларидан фарқли ўлароқ фуқаролик жамиятида вертикал (бўйсунмиш) эмас, балки ҳуқуқий жиҳатдан эркин ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлар ўртасида горизонтал алоқалар ва рақобат муносабати амал қилади.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, глобаллашув даври салбий ҳодисалари хавфини камайтириш ва ёшларни маънавий етук шахслар этиб тарбиялаш учун уларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш зарур. Зеро, фуқаролик позициясига эга бўлган ёшларгина жамиятнинг асосий мақсадларини маданий боратлигини тушуниб, халқ ва жамият олдидаги масъулиятини чуқур англайди. Ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш—ҳар бир болада ўз халқининг тарихи, маънавий кадриятлари, ватанимизнинг имкониятлари ва истиқболни билиш ва қадрлаш, ундан фахрланиш, юрттинчилиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги учун дахлдорликни ҳис қилиш, ўз ҳуқуқи билан биргалликда бурч ва мажбуриятларини яхши билиш ҳамда уларни тўлақонли амалга ошириш, қандай ҳолатда ҳам миллий манфаатларни ҳимоя қила олиш фазилатларини тарбиялаш демакдир.

Талаба-ёшларда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш учун таълим муассасаларида ҳуқуқий таълим ва тарбиянинг ўрни жуда муҳимдир. Шунинг унутмаслик керакки, ҳуқуқий тарбия ҳуқуқий таълимдан ёки фақат ҳуқуқшуносликни ўқитишдангина иборат эмас. Таълим муассасаларида ҳуқуқий тарбия тизими ва шакли талаба ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига ҳар томонлама ёндашишдан келиб чиқади. Худди шуерда ҳуқуқий тарбияга элементар ёндашишдан воз кечиш зарурлигини айтиб ўтишимиз зарур. Ҳаётимизда учраб

турган ҳуқуқий воқеа-ҳодисаларга ёшларнинг ўзи жалб этилса, ёшларда фаол фуқаролик позицияси шаклланади. Масалан, қонун ҳужжатлари лойиҳаларини муҳокама қилиш, олий таълим муассасаларида ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўлиқ билиш, уларга амал қилиш, сайлов ишларини олиб бориш каби тадбирлар уларда қонунга бўлган ҳурматни тарбиялашда ёрдам беради. Ҳуқуқий тарбия самарадорлигини оширишнинг яна бир муҳим томони шундаки, тарбиячининг ўзи зарур ҳажмдаги ҳуқуқий билан қуролланган ва ёшларда ҳуқуқий онгни шакллантириш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш услубиятини яхши эгаллаган бўлиши лозим. Ёшлар ҳуқуқни билса, тасаввур қилсаю, аммо ҳуқуқий кўрсатмаларни ижро этишга пассив муносабатда бўлса, бу ҳолат ёшларда фаол фуқаролик позицияси шаклланмаганлигини яққол кўрсатади.

Маълумки, таълим-тарбиянинг асосий мақсади—ёшларда шахс сифатида юксак ахлоқий фазилатларни шакллантиришдан иборатдир. Ахлоқ бўлмаса инсон ижтимоий шахс сифатида шаклланмайди. Ёшларда ахлоқ ҳақидаги билимларни шакллантиришда унинг муайян тузилмаси, унга асос бўлган омирлар, унсурлар-ахлоқий онг, ахлоқий ҳиссиёт ва ахлоқий хатти- ҳаракатлар тўғрисида маълумот бериш зарур. Ҳар бир фан ўз категориялар тизимига эга. Ахлоқ категориялари жамият ахлоқий ҳаётидаги умумий, муҳим томонларни, хусусиятлар ва муносабатларни инсон томонидан ўзлаштириш усулларини акс эттирувчи категориялар ҳисобланади. Ахлоқ категорияларининг ўзига хослиги шундан иборатки, улар фан сифатидаги этикани амалий асосини ташкил этувчи ахлоқнинг энг муҳим томонлари ва элементлари умумлашган ҳолда ўз ифодасини топади. Ахлоқ категорияларининг кўпчилиги қарама – қарши ҳаракатларга эга, чунончи муҳаббат ва нафрат, эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, камтарлик ва такаббурлик, садоқат ва хиёнат турли ижтимоий факт ва ҳодисаларни қамраб олувчи баҳо категориялари бўлса, бурч, виждон, шаън, қадр–қиммат, бахт нисбатан тор категориялар бўлиб, шахсни ички дунёсини акс эттиради. Этикадаги энг муҳим категориялардан бири эзгулик ва ёвузлик бўлиб, у инсон фаолиятининг аслмоҳиятини, кишининг бирор талабига тўлажавоб

берадиган, унга ёқадиган, маълум бўлган ҳатти– ҳаракатлар нарсаларнинг ижобий сифатлари, бирор кишининг манфаатини кўзлаб иштутиш, унга манфаат етказиш, хайрли, эзгу ишларни амалга оширишни англатади.

Ёшларни ўз – ўзига талабчанлик, ўз ҳаракатларига, ишига, билимига танқидий қараш, ўзига, куч–қувватига ортиқча баҳо бермасликни камтарлик категорияси орқали ўргатилади. Камтарлик кишиларга бўлган муносабатда намоён бўлиб, у кишилар билан содда камтарона муомала қилади, ўзишларига ва ҳаракатларига камтарлик билан баҳо беришга ундайди. Бошқаларга нисбатан ширин суҳан бўлади. Камтар инсон бошқалардан ўзини устун қўймайди, ўзига бино қўйиб, сохта шуҳрат кетидан қувмайди, ютуқлардан эсанкирамайди. Бир сўз билан айтганда камтарлик инсон ички маънавий дунёсининг ташқи ифодаси ҳисобланади. Бугунги кунда талаба шахсини барча имкониятларини юзага чиқариш учун албатта ахлоқ нормаларини кундалик ҳаётдаги аҳамиятини ошириш, таълим жараёни шахсга йўналтирилган характерда бўлиши талаб этилади.

Шуни ҳам алоҳида айтиш жоизки, таълим-тарбия жараёнида ёшларни мустақил, эркин, ўз ҳаётини позициясига эга бўлишларида уларга ижтимоий-маънавий кўмак бериш, шу билан бирга бой ҳаётини ва илмий тажрибалар асосида ахлоқий тамойиллар ва меъёрларнинг моҳияти, аҳамияти ҳақида атрофлича чушунчалар бериш мақсадга мувофиқ. Шу жиҳатдан бугунги кунда жамиятда яшаётган ҳар бир инсоннинг тўғри ҳаёт кечириши учун ғоят аҳамиятли ҳисобланган қуйидаги ахлоқий категорияларнинг мазмун- моҳияти тўғрисида ёшларга тушунчалар бериш лозим:

-Эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, муҳаббат ва нафрат, адолат бурч, бахт, ахлоқ, одоб, ҳуқуқ тушунчаларининг мазмун-моҳиятини ёритиб бериш;

-Ахлоқнинг миллийлик ва умумбашарийлик хусусиятларини таҳлил этиш, замонавий ахлоқий меъёрларнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш;

-Этика категорияларининг инсон ҳаётидаги белгиловчи ўрнини аниқлаш;

-Замонавий этика муаммоларининг инсон умри билан боғлиқ эканлигини асослаш ва инсоннинг ўз умрига, хатти - ҳаракатига масъулиятини ошириш малакаларини ўргатиш;

-Талабаларни умум инсоний қадриятларга содиқлик, халқнинг маънавий меросини мустахкамлашга, эъзозлашга ўргатиш;

-Ахлоқий қадриятлар ҳисобланган ватанпарварлик, инсонпарварлик туйғуларини талабалар онгига сингдириш;

-Иймон, инсоф, ҳалоллик, ҳаромдан, бировнинг ҳаққини ўзлаштиришдан қўрқиш, меҳр-мурувватлилик, раҳм-шафқатлилик, оқибатлилик, андишалилик, шарму-ҳаё, дўстлик кабиларни ёшлар онгига сингдириш;

-Этиканинг умумназарий масалалари ҳамда ахлоқий муносабатларни ёритиш.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ёшлар вазифаларини онгли равишда бажаришлари давлатнинг ҳуқуқий-демократик ва ахлоқий талабларига мос келади. Аммо буни ҳуқуқий ва ахлоқий маданиятга эришмасдан, яъни қонунларни билмасдан ва уларга изчил риояқилмасдан туриб амалга ошириш мумкин эмас. Талаба ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш ва уларда фаолфуқаролик позициясини шакллантиришда олий таълим муассасаларидаги маънавий-маърифий ишларни самарали ташкил қилиш ва профессор-ўқитувчилар йиллик мураббийлик режаларини тузишга алоҳида эътибор бериш лозимдир. Ахборот соатларида ҳуқуқий тарбияга доир тадбирлар, давра суҳбатларини кўпроқ ташкил қилиш ва уларни самарали ҳамда таъсирчан ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2015.

2. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. 14-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 2006.

3. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт–пировард мақсадимиз. 8-жилд.—Т.: «Ўзбекистон», 2000.

4. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиши тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ / Ш.М. Мирзиёев. - Тошкент : Ўзбекистон, 2016. — 56 б.

5. Танқидий таҳлил, қат’ий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик — ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришининг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги ма’руза, 2017 йил 14 январ / Ш.М. Мирзиёев. — Тошкент : Ўзбекистон, 2017. — 104 б.

6. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини та’минлаш — юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги ма’руза. 2016 йил 7 декабр / Ш.М. Мирзиёев. — Тошкент: „Ўзбекистон“, 2017. — 48 б.

7. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураамиз. Мазкур китобдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 1 ноябрдан 24 ноябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчилари вакиллари билан ўтказилган сайловолди учрашувларида сўзлаган нутқлари ўрин олган. / Ш.М. Мирзиёев. — Тошкент: „Ўзбекистон“, 2017. — 488 б.^[36]

8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4-жилд.— Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2008.

9. Ильин И. Путь кочевидности.— М., 1998. 10. Таджикханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. 2-том.— Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998